

Journal of Social Research in Uzbekistan SJIF 2023: 6.831**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:
<https://topjournals.uz/index.php/jsru>

**REGIONAL COMPETITION BETWEEN SAUDI ARABIA AND IRAN: THE DILEMA OF CONFLICT AND CONSENSUS*****Mukhtor Nazirov****Associate Professor, PhD**International Islamic Academy of Uzbekistan**Tashkent, Uzbekistan**E-mail: m.nazirov@iiau.uz****Komronbek Isroilov****Student**International Islamic Academy of Uzbekistan**Tashkent, Uzbekistan**E-mail: isroilovkomron89@gmail.com***ABOUT ARTICLE**

Key words: Middle East, parity hegemony, geopolitical competition, USA, GCC, civilization, Islamic revolution in Iran, oil, “proxy” participant, consensus.

Received: 05.03.23**Accepted:** 07.03.23**Published:** 09.03.23

Abstract: This article analyzes the competition between the Kingdom of Saudi Arabia and the Islamic Republic of Iran for increasing their influence in the Middle East region and a number of factors causing conflicts. In particular, specific aspects of the geopolitical interests of the two countries, ethno-confessional contradictions, the essence of “competition” that arose as a result of the influence of external forces are discussed.

**САУДИЯ АРАБИСТОНИ ВА ЭРОН ЎРТАСИДАГИ МИНТАҚАВИЙ РАҶОБАТ:
КОНФЛИКТ ВА КОНСЕНСУС ДИЛЕММАСИ*****Мухтор Назиров****доцент, PhD**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**Тошкент, Ўзбекистон**E-mail: m.nazirov@iiau.uz****Комронбек Исроилов****Талаба**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**Тошкент, Ўзбекистон**E-mail: isroilovkomron89@gmail.com*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Яқин Шарқ, паритет гегемонлик, геосиёсий рақобат, АҚШ, ФКАДҲҚ, цивилизация, Эрон ислом инқилоби, нефт, “прокси” иштирокчи, консенсус.

Аннотация: Ушбу мақолада Саудия Арабистони Подшоҳлиги ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги Яқин Шарқ минтақасида ўз таъсирини кучайтириш борасидаги рақобат ҳамда зиддиятларни келтириб чиқарувчи бир қатор омиллар таҳлил қилинган. Хусусан, икки давлат геосиёсий манфаатларининг ўзига хос жиҳатлари, этникдений қарама-қаршиликлар, ташки кучларнинг таъсири натижаси ўлароқ юзга келган “рақобат”нинг моҳияти ҳақида сўз юритилади.

РЕГИОНАЛЬНАЯ КОНКУРЕНЦИЯ МЕЖДУ САУДОВСКОЙ АРАВИЕЙ И ИРАНОМ: ДИЛЕММА КОНФЛИКТА И КОНСЕНСУСА

Мухтар Назиров

доцент, PhD

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: m.nazirov@iiau.uz

Комронбек Исраилов

Студент

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: isroilovkomron89@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Ближний Восток, паритетная гегемония, геополитическая конкуренция, США, ССАГПЗ, цивилизация, исламская революция в Иране, нефть, «прокси» участник, консенсус.

Аннотация: В данной статье анализируется конкуренция между Королевством Саудовская Аравия и Исламской Республикой Иран за усиление своего влияния в ближневосточном регионе и ряд факторов, вызывающих конфликты. В частности, обсуждаются специфические аспекты геополитических интересов двух стран, этно-конфессиональные противоречия, сущность «конкуренции», возникшей в результате влияния внешних сил.

КИРИШ

Башарият цивилизациясининг кўхна бешиги бўлмиш Яқин Шарқ минтақаси ўзининг геостратегик жойлашуви ва бой табиий ресурслари билан асрлар давомида қудратли давлатлар манфаатлари кесишган муҳим ҳудуд бўлиб келган.

XX асрнинг 80-йилларидан бошланиб ҳозирги кунга қадар давом этаётган Кўрфаз минтақасида етакчилик учун Саудия Арабистони Подшоҳлиги (САП) ва Эрон Ислом

Республикаси (ЭИР) ўртасида қизғин рақобатли кураш кузатилмоқда ҳамда бу ўзига хос сабабларга эга.

АСОСИЙ ҚИСМ

Америкалик сиёсатшунос олим Самуэл Ҳантингтон “Цивилизациялар тўқнашуви” асарида мусулмон оламида етакчи бўлишга даъвогар саккиз давлат қаторида Эрон ҳамда Саудия Арабистонини ҳам санаб ўтади (Huntington, S. 1996.). Бунга асос сифатида мазкур икки мамлакатдаги этник-диний таркиб, сиёсий таъсир доира, иқтисодий барқарорлик, бой табиий ресурслар мавжудлиги ҳамда ҳарбий қудрат каби омилларни келтириб ўтади.

Таъкидлаш жоизки, САП ва ЭИРда диний омил, давлат бошқарувидаги тафовут, турли геосиёсий манфаатларга эга иттифоқчи давлатларининг билвосита аралашуви минтақада рақобатнинг интенсивлашувига таъсир кўрсатмоқда. Қуйида мазкур омилларнинг келиб чиқиши, сабаб ва оқибатлари кўриб чиқилади.

Мазкур мақолада тарихий, ивент-таҳлил ҳамда қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилди. Мақолани тайёрлашда инглиз, рус ва ўзбек тилидаги манбалар ҳамда интернет тармоғидаги расмий маълумотлардан фойдаланилди.

Яқин Шарқ минтақасида САП ва ЭИР бир неча ўхшаш жаҳбаларда таъсир кучига эга. Аввало, ҳар икки мамлакат Форс кўрфази (айрим манбаларда, Араб кўрфази), Касбий денгизи ва Қизил денгизи ҳавзасида жойлашганлиги ўзига хос геостратегик афзалликлар беради. Шу билан бирга, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти ва Нефт Экспорт Қилувчи Мамлакатлар Ташкилоти (ОПЕК) сингари халқаро ташкилотлар доирасида етарлича мавқеига эга давлатлардир.

1979-йилги Эронда ислом инқилоби бўлгунга қадар ҳар икки мамлакат бошқарув шакли монархия бўлган. Бироқ инқилобдан сўнг Эрон давлат тизими ўзгарди. Гарчи исломий йўналиш жиҳатдан тавофут бўлса-да, ҳар икки давлат бошқарувида бирламчи манбалар шариат ва диний аҳкомлардир.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Яқин Шарқда ўзига хос тенденциялар таъсирида юзага келган “рақобат” Саудия Арабистони ва Эрон муносабатларини бир мунча совуқлаштириди, бу эса минтақада конфликтоген вазиятларнинг кучайиши ва ўзаро консенсус имкониятлари камайишига олиб келмоқда.

Мутахассислар қайд этишича, бундай ҳолатга давлат бошқарувидаги ўхшашлик ва фарқлар, ўзаро алоқалар динамикасининг зиддиятли характеристи, Яқин Шарқ ва мусулмон дунёсида таъсир доирасини кенгайтириш борасида геосиёсий, геоиқтисодий ва геомафкуравий рақобат, Эрон ядро дастури ва бошқа бир қатор омиллар таъсир кўрсатмоқда.

Ҳар икки давлатда ҳам сиёсий жараёнлар шариат қонунларига биноан тартибга солинади ва бу жаҳатдан ижтимоий-сиёсий тузилманинг ўзига хос моделини қўллайди ҳамда ислом дунёсининг бошқа давлатлари учун локомотив бўлишга интилади.

Ўзаро алоқалар динамикасининг зиддиятли характери. 1970-йилларнинг охирига қадар Эрон ва Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар бир мунча илиқ эди, ҳар икки давлат Яқин Шарқ минтақасида ўзаро ишончли ҳамкорлар эди, жумладан нефтни ишлаб чиқариш, нефт нархи устидан “Паритет гегемонлик”ни, яъни тенг шерикчилик назоратини амалга оширганлар. Бундан ташқари, минтақадаги араб-форс муаммолари, худудий-чегаравий низоларга қўз юмган ҳолда, ҳар икки давлатда монархия тузумини мустаҳкамлаш, коммунистик мафкураларга қарши чора кўриш, АҚШ билан яқин ҳамкорликни амалга ошириш каби масалаларда яқдил эдилар (Фролов, В. 2016. С. 70-82).

Мутахассислар фикрича, икки давлат ўртасидаги зиддиятларни келтириб чиқарган омил Эрондаги ислом инқилоби бўлди. 1975-йилда бошланган ишсизликнинг ўсиши ва “нефт пуфаги ёрилиши”дан кўтарилиган умидсизлик мамлакатдаги умумий хавотирларни янада кучайтируди. Ўрта синф вакиллари ўз иқтисодий умидсизликларини сиёсий мақсадлар билан боғладилар ва хукumatдан жавобгарликни, коррупцияга чек қўйишни ва сиёсий ўзгаришларни талаб қилдилар. Шу тариқа мазкур инқилоб 1976-йил охири ва 1977-йил бошида стихияли пайдо бўлиб, бутун мамлакат бўйлаб авж олганлиги асосан уюшмаган ёшларнинг иш ташлаш ҳамда намойишлари маҳсулидир (Kamrava, M. 2013).

Бу воқеалардан сўнг мамлакатда шоҳ тузумига қарши мухолиф кучлар орасида амалдаги тузум ва Фарбга қарши бўлган руҳонийлар сони ҳам кўпайди. Айниқса улар орасида Оятуллоҳ Хумайнийнинг обрўси кескин ошиб кетади. Орадан кўп вақт ўтмай, Хумайнийнинг ўғли сирли тарзда вафот этади ва унинг ўлимида Миллий хавфсизлик ва разведка ташкилоти (САВАК)нинг қўли борлиги ҳамда бунга АҚШ Президенти Ж.Кarterнинг Техронга ташрифи сабаб сифатида кўрсатилади. Мамлакатда норозилик намойишлари авж олиши, Хумайний амалдаги ҳокимиятни Исломга қарши деб эълон қилиши Шоҳ Муҳаммад Резо Паҳлавий тузуми ағдарилиши билан яқунланди. Расмий Вашингтон Эроннинг “қочоқ” шоҳига бошпана бериш ниятида эканлигини маълум қилгангач, 1979-йил 4-ноябрда бир гурӯҳ радикал кайфиятдаги талabalар Техрондаги Америка элчинонасини эгаллаб, 52 нафар дипломатни гаровга олади. Бу ҳолат 1980-йил апрелига келиб АҚШ ва Эрон ўртасида дипломатик алоқалар узилиши, Эронда радикаллашув кучайишига сезиларли таъсир кўрсатди. Шундан сўнг Яқин Шарқдан бутунлай Фарбни сиқиб чиқариш, ўз ташқи сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлган “Ислом инқилоби экспорти” ҳамда эронча исломий давлат тузиш каби ташаббуслар Эроннинг асосий ташқи сиёсий мақсадига айланади. Тез орада Муқаддас Макка шаҳрида Эрон ислом инқилоби тарафдори бўлган радикал кучлар томонидан террорчилик

ҳаракати амалга оширилиши, Саудия Арабистони раҳбарияти томонидан бунда Эрон томонини айблаб баёнот берилиши икки давлат ўртасидаги зиддиятнинг дебочаси эди. Чунки “ад-Даава”, “Муназзамат ал-амал ал-исломийя” каби радикал эронпараст ташкилотлар Эрон томонидан молиялаштирилар эди. Шу тариқа, Эрон ва Саудия Арабистони ўртасида ўзига хос “Совуқ уруш” бошланди. (Фролов, В. 2016. С. 70-82).

АҚШ Эрон томонидан гаровга олинган дипломатларни озод қилиш мақсадида амалга оширган операцияси мувафаққиятсизликка учраганидан сўнг, Ироқни Эронга қарши урушга чорлайди ва ҳарбий техника билан таъминлайди. Эрон-Ироқ уруши йилларида Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (ФКАДҲК) давлатлари Ироқقا ҳарбий операцияларини молиялаштириш учун 150 миллиард доллар ажратадилар. Шунингдек, ўша пайтда Саудия Арабистони кунига 300 минг баррел Ироқ нефтини сотар эди. Қувайт яқинидаги нейтрал ҳудудда ишлаб чиқарилган нефтни сотишдан тушган маблағларнинг катта қисми Бағдоднинг ҳарбий эҳтиёжларини тўлдиришга сарфланди. Эрон томони Ироқ режимининг асосий ҳомийлари сифатида Саудия Арабистони ва Қувайт кемаларига зарба беради. Саудия Арабистони ҳарбийлари Эроннинг қирувчи самолётини уриб туширишади (Кузьмин, В.А. 2017. С. 241-260.)

Бундан ташқари, 1987-йил 31-июлда Саудия Арабистонида Ислом инқилобини тарғиб қилиш мақсадида келган эронлик зиёратчилар Маккада тартибсизликларни келтириб чиқариши натижасида 400 дан ортиқ одам ҳалок бўлди. Эрон бўйлаб ҳам тарқалган тартибсизликлар тўлқини обьектига САП дипломатик ваколатхоналари айланди. Жумладан, Саудия Арабистонининг Техрондаги элчихонасига қилинган хужум пайтида атташе ҳалок бўлди. Шундан сўнг, 1988-йилга келиб расмий Техрон ва ар-Риёд ўртасидаги дипломатик алоқалар бутқул тўхтатилди.

Яқин Шарқ минтақасидаги геосиёсий ракобат. Яқин Шарқ минтақасида Эрон нафақат Саудия Арабистонига, балки АҚШ билан стратегик ҳамкорликка эга бошқа араб монархияларига қарши ҳаракатларни амалга оширади. Мутахассислар қайд этишича, бу ЭИР учун “экзестенциал хавф” (яъни сиёсий тизим мавжудлигига тўғридан-тўғри хавф) сифатида қаралади.

1951, 1980, 1988 ва 1990-йилларда САП ва АҚШ ўртасида ўзаро ёрдам ва мудофаа ҳақидаги қатор битимлар имзоланган. АҚШ Саудия Арабистонининг Даҳрон шахрида жойлашган ҳарбий ҳаво кучлари базаси орқали Форс кўрфази минтақасини назорат қилиш имкониятига эга бўлмоқда.

Жон-Хопкинс университетининг Яқин Шарқ масалалари бўйича профессори Ўмер Ташпинарнинг фикрича, ҳозирги Яқин Шарқдаги мазҳаблашган урушлар ислом илоҳиётида эмас, замонавий миллатчиликдан келиб чиқади. Бу сунний ва шиа можаролари минтақадаги

барқарор бошқарув қулаган ҳудудларда Эрон ва Саудия Арабистони ўртасидаги “прокси уруш”га айланди, яъни икки давлат турли қарама-қарши кучларни қўллаб-қувватлаш орқали минтақада ўзаро стратегик рақобатни амалга ошириб келмоқда. Содир бўлаётган можароларда геосиёсий мақсадлар йўлида диннинг воситага айланишини кузатиш мумкин (Taşpinar, Ö. 2018).

Эрон 2011-йилдан бери Суриядаги сиёсий жараёнларга жуда фаол таъсир кўрсатиб келмоқда. Амалдаги президент Башар Асад бошқарувини Эрон ва Россия ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Айрим эксперталар АҚШнинг Сурия можароларидағи исёнчиларни тайёрлаш дастурини амалга оширишда Саудия Арабистони билан яқин ҳамкорлик қилганини қайд этади. Чунки расмий Ар-Риёд Эронни Сурияда минтақавий барқарорлик ва Гарб манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай актордан кўра кўпроқ кучга эга деб ҳисоблади. (Barnes-Dacey, J., Geranmayeh, E., Lovatt, H.).

Буюк Британия Парламенти Вакиллар палатасининг расмий сахифасидаги маълумотларга кўра, Эрон 1980-йиллардан бошлаб Ливанда жуда фаол бўлиб, Ҳизбуллоҳ ҳаракати, унга алоқадор ҳарбий гурухлар ва бошқа нодавлат ҳарбий кучлар тармоғи билан яқин алоқаларга эга. Эрон ислом инқилоби поспонлари корпуси Ливандаги ўз вакиллиги ёрдамида етакчи қуролли куч сифатида давлат институтлари устидан сезиларли назоратни қўлга киритди. (Loft, P. 2022).

Ҳизбуллоҳ ҳаракати САПда террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган бўлиб, айни шу сабаб Саудия Арабистонининг Ливан билан муносабатлари ёмонлашгани қайд этилмоқда. Бироқ бугунги кунда САП хукумати Ливан билан дипломатик алоқаларни қайта тиклашга ҳаракат қилмоқда ва шу мақсадда Байрут шаҳридаги элчихона фаолиятини тўлиқ тикламоқда. Бундан ташқари, ФКАДҲК давлатлари билан биргаликда САП хукумати Ливанни инқироздан чиқариш мақсадида иқтисодий ёрдам беришга тайёрлигини маълум қилди. (Chehayeb, K. 2022).

Саудия Арабистони хавфсизлиги учун мамлакат шарқий вилоятлари ҳамда жанубий чегаралари устидан назорат ўрнатиш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки САПнинг 11 фоиз аҳолиси шиа мусулмонларидир. Маълумотларга қараганда, Эроннинг ушбу худуд аҳолисига таъсири жуда юқори.

2016-йил январ ойида Саудия Арабистони хукумати томонидан 47 киши қатл этирилиши ҳамда уларнинг орасида САПдаги шиаларнинг таниқли воизи ҳисобланган Нимр ан-Нимрнинг мавжудлиги Эрон Олий Раҳбари Али Хомайнининг Қироллик оиласига қарши “муқаддас қассос”ни эълон қилишига олиб келди. Нимр ан-Нимр нафақат диний ходим эди,

балки САП ва Баҳрайндаги шиаларни хукуматга қарши оммавий чиқишиларида қўллаб-кувватлаган эди (Фролов, В. 2016. С. 70-82).

Эрон Ямандаги бекарорликдан геосиёсий мақсадларда фойдаланиб келмоқда, жумладан Ямандаги шиа зайдийларидан иборат “Ансар Аллоҳ” ташкилотига расмий ҳокимият кучларига қарши баллистик ракеталар ва ҳарбий қуролларни етказиб бермоқда. Ямандаги фуқаролар урушида халқаро тан олинган Ҳоди хукуматини Саудия бошчилигидаги коалитсия қўллаб-кувватлаб келмоқда. Бу орқали Саудия Арабистони ва Эрон Ямандаги ички сиёсий можаронинг “прокси” иштирокчисига айланмоқда. Расмий Техрон можарога алоқадорликни инкор этиб келади.

Расмий Ар-Риёд позициясига кўра, САП жанубий чегарасида Эрон ислом инқилоби посбонлари корпусининг мустаҳкам ўрнашиб олишига Форс кўрфази араб давлатларининг хавфсизлиги ва савдосига бевосита таҳдид солади, жумладан ҳусийларнинг баллистик ракета таҳдиди нефт саноати учун бекарорлик ҳосил қиласи (Barnes-Dacey, J., Geranmayeh, E., Lovatt, H. 2017).

Ҳарбийлашган гуруҳлар фаолияти борасидаги Эроннинг ўсиб бораётган қатъияти, баъзи Европа давлатлари эътироф этганидек, унинг Яқин Шарқ минтақасидаги ҳақиқий ролини кўрсатмоқда. Бу ҳолат сабиқ АҚШ президенти Доналд Трамп маъмуриятининг Эрон ядеровий келишувига қарши аргументларини кучайтирди, шу билан бирга, Истроил, Саудия Арабистони ва бошқа қатор давлатлар ўртасида Техроннинг Яқин Шарқдаги таъсирини белгилаш муҳимлиги борасида консенсусга келинди. Саудияликлар хавфсизлик нуқтаи назаридан, Эроннинг Адан кўрфазида мустаҳкам ўрнашиб олишига йўл кўймасликка интилаётгани каби, исроилликлар Сурияда Эрон ислом инқилоби посбонлари корпуси кучини тўхтатишига интилмоқда.

Экспертлар фикрича, Саудия Арабистони Истроил билан муайян шартлар асосида муносабатларни нормаллаштириш қоидаларини ўз ичига олган Араб Тинчлик Ташибабусига содик қолади. Бу эса саудияликларнинг Истроил-Фаластин можаросини ҳал қилиш бўйича Истроилнинг ёндошувларига жавоби бўлиши мумкин. Аммо Араб Тинчлик Ташибабусига асосланган музокараларининг истиқболлари жуда заифdir (Barnes-Dacey, J., Geranmayeh, E., Lovatt, H. 2017).

2003-йилда Саддам Ҳусайн режими қулаганидан сўнг Ироқда ўндан ортиқ Эрон билан яқин алоқага эга сиёсий партиялар юзага келди ва уларнинг айримлари билан бирлашган ҳарбийлаштирилган гуруҳлар Эрон томонидан молиялаштирилди.

Маълумотларга қараганда, Ироқнинг Халқ сафарбарлик кучлари “соябони” остидаги айрим ҳарбийлаштирилган шиа гуруҳлари Эрон олий раҳбари Оятуллоҳ Али Хомайнийга содиқликни номоён этиб, Эрон таъсирига қаршилик кучларини бостириш ва Ироқдаги АҚШ

куролли кучларини чиқариб юборишда фаол бўлган. ИШИД террорчилик гурухи 2017-йилда сиқиб чиқарилгандан бери Ироқда қолган 2500 нафар америкалик ҳарбийларга Эрон томонидан қўллаб-кувватланган жангарилар тез-тез хужумлар уюштириб келди (Robinson, K. 2022).

Стратегик ва халқаро тадқиқотлар марказининг ҳисоботига кўра, Саудия Арабистони Яқин Шарқ минтақасида сунний бирликни таъминлаш мақсадида Ироқ билан “прагматик дипломатия” сиёсатини олиб бормоқда. Расмий Ар-Риёд 25 йиллик танаффусдан сўнг расмий Бағдод билан муносабатларни яхшилаш ҳамда ушбу давлатда Эроннинг ошиб бораётган таъсирини чеклаш учун муносабатларни тиклашга ҳаракат қилмоқда.

Р.Мансур қайд этишича, Саудия Арабистонининг минтақавий стратегияси Яман, Баҳрайн ва Ливан билан дадил ташқи сиёсий ҳаракатларни амалга оширишни назарда тутади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ироқдаги стратегия Саудия Арабистони ўтмишда тез-тез қабул қилган босқичма-босқич ҳамкорлик ёндашувига мос келади. Бунинг учун Саудия Арабистони бир қанча сиёсий ва иқтисодий воситаларга эга. Сиёсий жиҳатдан у шиа ичидаги ихтилофдан фойдаланиб, эронпараст гуруҳларнинг таъсирини чеклашга ҳаракат қилади, чунки кўплаб шиа етакчилари ва фуқаролар Техроннинг ҳаддан ташқари таъсиридан чарчашмоқда. Иқтисодий жиҳатдан у Бағдод билан интеграцияни кучайтириш ва ўзаро боғлиқликни ошириш, шунингдек, Эрон ва Туркия ҳукмронлик қилган потенциал экспорт бозори ва савдодан фойда олишга интилади (Mansour, R. 2018).

Минтақавий етакчиликда Эрон ядро дастурининг ўрни. Эроннинг минтақада етакчиликни даъво қилишида асосий омиллардан бири бу, шубҳасиз, унинг ядро дастурига эга эканлигидир. Айнан шу сабабдан ҳам минтақа давлатлари, хусусан, Саудия Арабистони ва Исроил иттифоқчилари билан биргаликда Эронга қўлланилаётган санкциялар қўламини ошириш орқали уни иқтисодиётини заифлаштиришга ҳаракат қилади. Натижада Эрон ядро қуролини яратишда қўшимча молиявий таъминотга муҳтоҷ бўлиши ва, бундан ташқари, минтақада ўз таъсири остидаги кучларга кўмаги камайишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, 2015-йил июль ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари, Германия ва Эрон ўртасида расмий равишда “Кўшма кенг қамровли ҳаракатлар режаси” (JCPOA) деб номланувчи келишувга эришилди. Унинг шартларига кўра, Эрон ўзининг ядервий воситаларинг катта қисмини демонтаж қилишга, ядро дастурини бекор қилишга ва миллиардлаб долларлик санкцияларни юмшатиш эвазига ўз обьектларини кенгроқ халқаро текширувлар учун очишга рози бўлган эди.

Шартнома тарафдорларининг таъкидлашича, бу Эроннинг ядервий курол дастурининг қайта тикланишига йўл қўймасликка ёрдам беради ва шу тариқа Эрон ҳамда унинг минтақавий рақиблари, жумладан, Исроил ва Саудия Арабистони ўртасидаги зиддият истиқболларини

камайтиради. Бироқ, АҚШ Доналд Трамп маъмурияти ташаббуси билан 2018-йилда ушбу келишувдан чиқиб кетиши ва 2020-йилда Ироқда Эроннинг олий даражадаги генерали Қосим Сулаймонийнинг ўлдирилиши ҳамда Исройл томонидан қатор амалиётлар қўллагани боис Эрон келишув шартларига амал қилмай қўйди ва ядервий фаолиятининг бир неча қисмини қайта тиклади (Robinson, K. 2022).

Хозирда Эрон билан ядервий келишувни қайта тиклаш бўйича музокаралар давом этмоқда. Яқин Шарқ минтақасида Саудия Арабистони бошчилигидаги араб давлатлари аввалроқ Эроннинг кенгроқ ҳарбий фаолиятини чеклаш учун янги келишув зарурлигини таъкидлайди.

Эксперт доираларида ҳар қандай янги келишувда санкциялар бекор қилинса, бу Ислом инқилоби посбонлари корпуси ва эронпараст гуруҳларнинг кучайишига олиб келади, деган хавотирлар ҳам мавжуд. Бундан ташқари, Саудия Арабистони, агар Эрон муваффакиятли равишда ядро дастурини амалга оширса, ядервий қуролга эга бўлишга тайёрлигини билдирган. (Barnes-Dacey, J., Geranmayeh, E., Lovatt, H.).

Бу эса, ўз навбатида, минтақадаги мавжуд кучлар мувозанатини кескин рақобат фазасига ўтишига туртки берувчи омил бўлиши мумкин.

ХУЛОСА

Яқин Шарқдаги цивилизацияларнинг тўқнашуви доимий конфликтларга сабаб бўлмоқда. Минтақанинг айрим мамлакатларда бошқарувнинг заифлиги, ўзаро рақобат ҳамда ташки кучларнинг аралашуви ўртадаги вазиятни янада бекарорлаштироқда. Саудия Арабистони ва Эрон муносабатларининг ёмонлашуви, юзага келган зиддиятга бир қатор омиллар таъсири кўрсатмоқда.

Биринчидан, ҳар икки давлат аҳолисининг катта қисми ислом динига эътиқод қиласи, салкам ўн тўрт асрдан бери диний аҳкомлардаги ихтилофлар натижаси ўлароқ сунний ҳамда шиа оқимларига бўлиниш икки ўртада қарама-қарши позицияга эга давлатлар юзага келишига кучи таъсири кўрсатган. Бу омил, ўз навбатида, мусулмон дунёсида бир томондан Эрон бошчилигидаги шиа каолицияси шаклланишига, иккинчи томондан Саудия Арабистони суннийларни сиёсий мақсадларда қўллаб-қувватлаш ва уларнинг таъсири воситасига айланишига олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, консенсусга келолмасликнинг асосий сабаби ўзаро зиддиятдан манфаатдор бўлган ташки кучлар ҳамда Саудия Арабистони ва Эрон иттифоқчиларининг позицияларидир. Саудия Арабистони АҚШ билан стратегик шерик ҳисобланиб, минтақадаги кўплаб операцияларни бажаришда АҚШ ва Фарб давлатлари кўмагига таянади. Буни Эрон-Ироқ уруши, Ямандаги ҳарбий операция мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, САП Яқин

Шарқда энг кўп АҚШдан қурол импорт қилувчи ҳамда АҚШ ҳарбий базаси жойлашган давлат эканлиги ҳам бунга исбот ҳисобланади.

Эрон эса инқилобдан сўнг Ғарб давлатлари билан алоқаларни узди, Россия ва Хитой билан яқин алоқа ўрнатди. Айниқса, Сурияда Башар Асад ҳокимиятини қўллаб-қувватлашда Россия ва Эрон ҳамкорлиги иттифоқчилик даражасига етган. Бундан ташқари, 2022-йилда Эроннинг ШХТга аъзо бўлиши ҳам Россия ва Хитой давлатлари билан алоқаларини янада мустаҳкамланишига замин яратади. Бу эса Яқин Шарқда Саудия Арабистони ва Ғарб давлатлари ҳамда Россия ва Хитой қўмагидаги Эрон ўртасида зиддиятларни янада кескинлаштириши мумкин.

Учинчидан, Эроннинг ядро қуролига эга бўлишга интилиши минтақа давлатлари хавфсизлигига раҳна солмоқда. Ядро қуролига эга бўлиш, ўз навбатида, Яқин Шарқдаги кучлар мувозанати бузилишига олиб келмоқда. Агар Эрон ядро қуролга эга бўлса, Саудия Арабистони ҳамда араб-монархиялари ҳам шу йўлни танлаш эҳтимолини халқаро ҳамжамиятга билдираётгани қуролланиш пойгасига туртки бериши мумкин.

Тўртичидан, Яқин Шарқ дунё углеводород ресурсларига эга бой минтақа ҳисобланади. Саудия Арабистони ва Эрон эса минтақада нефт захираси бўйича етакчи давлатлардир. Бирок, 2006-йилдан бери Эронга ядро дастури юзасидан қўлланилаётган санкцияларнинг йилда-йилга салмоғи ортиб бораётгани ҳамда Саудия Арабистони томонидан кўрфаздан фойдаланиш ва иқтисодий имкониятларни камайтиришга интилишлар икки давлат ўртада зиддиятлар кучайишига сабаб бўлиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Chehayeb, K. (2022, April 12). Saudi Arabia rekindles ties with cash-strapped Lebanon. Al JAZEERA. <https://www.aljazeera.com/news/2022/4/12/saudi-arabia-rekindles-ties-with-cash-strapped-lebanon>
2. Barnes-Dacey, J., Geranmayeh, E., Lovatt, H. The Middle East's battle lines. European Council on Foreign relations. [https://ecfr.eu/archive/page/-/The_Middle_Ests_New_Battle_Lines.pdf](https://ecfr.eu/archive/page/-/The_Middle_Easts_New_Battle_Lines.pdf)
3. Blanchard, C. M. (2006). Islam: Sunnis and Shiites. Focus on Islamic issues. New York: Nova Science Publishers.
4. Kamrava, M. (2013). The Modern Middle East. In The Modern Middle East, Third Edition. University of California press.
5. Loft, P. (2022, 25 August) Iran's influence in the Middle East. House of Common Library UK Parliament. <https://commonslibrary.parliament.uk/research-briefings/cbp-9504/>
6. Mansour, R. (2018, November 6). Saudi Arabia's New approach in Iraq. Center for Strategic and International Studies. <https://www.csis.org/analysis/saudi-arabias-new-approach-iraq>.

7. Muhammadsiddiqov, M. Xorijiy Sharq va G‘arb davlatlarida ijtimoiy-siyosiy jarayonlar. - Toshkent: Qaqnus media, 2019.
8. Muhammadsidiqov, M. Musulmon mamlakatlari va zamonaviy xalqaro munosabatlar. - Toshkent: Qaqnus media, 2019.
9. Rahimjonov, D. Dinshunoslik asoslari. Toshkent: “Toshkent islom universiteti” nashriyot-matbaa birlashmasi, 2013.
10. Robinson K. (2022, July 20). What is the Iran Nuclear Deal? Cuncil on Foreign Relations. <https://www.cfr.org/backgrounder/what-iran-nuclear-deal>
11. Robinson, K. (2022, October 18) How much influence does Iran have in Iraq? Council on foreign relations. <https://www.cfr.org/in-brief/how-much-influence-does-iran-have-iraq>
12. Samuel, H. (1996). The clash of civilizasions. New York: Simon and Schuster.
13. Hashemi, Nader and Postel, Danny (2017). Sectarianization: Mapping the New Politics of the Middle East London: C. Hurst & Co., 320 pp.
14. Фролов, А. В. (2016). Фактор саудовско-иранских противоречий на Ближнем Востоке (статья I). *Пути к миру и безопасности*, (1 (50)), 70-82.
15. Кузьмин В. А. (2017) Противостояние Саудовской Аравии и Ирана в зоне Персидского залива в конце XX — начале XXI веков. *Научный диалог*. 8, 241-260.
16. Taşpinar, Ö. (2018, December 31). The Sunii-Shiite divide in the Middles East. Brookings. <https://www.brookings.edu/opinions/the-sunni-shiite-divide-in-the-middle-east-is-about-nationalism-not-a-conflict-within-islam>
17. Nazirov, M. (2021). G‘arb va musulmon olami dialektikasidagi zamonaviy tendensiyalar. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 328-334.
18. Saydaliyeva, N., & Nazirov, M. (2020). Youth policy as a priority area of development. *Sociosphere*, 3, 104-111.
19. Назиров, М. М. (2014). О концептуальных вопросах политических исследований. In *Современные подходы к трансформации концепций государственного регулирования и управления в социально-экономических системах* (pp. 243-246).
20. Акмалов, Ш. (2021). Особенности системы образования Исламской Республики Иран: состояние и перспективы развития. *Востоковедения*, 1(1), 132-140.